

Ҳамдардлик: Кўпчилигимиз таъсирланган ўша машҳур тасбеҳ тутган қўл соҳиби



12:56 / 10.02.2023 2895

Бутун дунёни ларзага солган Туркия ва Сурияда бўлиб ўтган қаттиқ ер силкинишлари кўплаб инсонларнинг ҳалок бўлишига сабаб бўлди. Айни вақтда ушбу ҳудудларда тезкор қутқарув ишлари давом этиб турибди ва ҳалок бўлганлар сони ҳақида ижтимоий тармоқларда эълон қилинмоқда.

Интернетда зилзила оқибатида ҳусни хотима топган, кўпчилигимиз таъсирланган ўша машҳур тасбеҳ тутган қўл соҳиби, кўриб турганимиз мана шу муборак зот эканлари аниқланди.

Аҳли тасаввуф бўлган бу зот, Истанбулдаги тасаввуф шайхларидан бўлмиш Усмон Нури Тўпбош ҳазратларининг «Ҳатай» ҳудуди вакили Маҳмуд Дурусўй ҳазратлари экан.

Одатларига кўра таҳажжудга туриб, ўз вирдлари, зикр ва Ҳақ таолога ниёзлари ила машғул эканлар, Аллоҳ таоло кимлар учун мусибат қилиб

юборгани бу офатда бу зот шаҳодат шарбатини тотдилар.

Субҳаналлоҳ, тасбеҳ тутган қўллари каби вафотлари ҳам барчага ибрат бўлди.

Зилзила оқибатида вафот этган тасаввуф шайхи Маҳмуд Дурусўй ҳазратларини Аллоҳ таоло барча солиҳ амалларини ўзларига садақаи жория қилиб, раҳматига буркасин, мағфиратига олсин, аҳли илмларга, илмига амал қилган уламоларга ваъда қилган ажру мукофотларидан баҳраманд қилиб, жаннатларига дохил айлаб, шаҳидлар қаторида қилсин. Мусибатзадаларга сабр ва энгиллик берсин. Ярадорлар ва беморларга Аллоҳ таолодан шифои комил сўраймиз.

Аллоҳ таоло барчаларимизни офиятда қилсин!